E'lonni berkitish
Shikoyat qilish
Reklama beruvchi haqida
Yandexda reklama
Havoladan nusxa olish

E'lonni berkitish
Shikoyat qilish
Reklama beruvchi haqida
Yandexda reklama
Havoladan nusxa olish

# Янгиликлар

31 авг 16:29



Бошқалар, Футбол

## Бўлажак педагоглар футболда ҳам эътирофда

Теглар : Чирчиқ | Педагогика университети

> Мамлакатимизда спортга бўлган эътибор кейинги йилларда янада ортмоқда.

Хусусан, футбол спорт турини янада ривожлантириш борасидаги амалий ҳаракатлар ўз натижасини бермоқда. Буни футболчиларимиз эришаётган ғалабаларда ҳам кўришимиз мумкин.

Ортда қолган беш йилда Президентимизнинг футболни ривожлантиришга доир иккита қарори қабул қилинди. Биринчиси, 2019 йил 4 декабрдаги "Ўзбекистонда футболни ривожлантиришни мутлақо янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида", иккинчиси, 2023 йил 7 апредлаги "Оммавий ва профессионал футболни ҳар томонлама ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлардир.




Ҳар икки қарорда ҳам мамлакатимизда футболнинг оммавийлигини янада ошириш, истиқболли ва иқтидорли футболчиларни танлаш ҳамда профессионал даражада тайёрлашнинг янги тизимини йўлга қўйиш, тренер ва ҳакамларни халқаро талаблар асосида тайёрлаш ва маҳоратини юксалтириш, футбол инфратузилмасини яхшилаш ҳамда ўрнатилган стандартларга мослаштириш каби мақсадлар кўзда тутилган.

Бу вазифалар ҳаётга татбиқ этилиши самарасида футболимизнинг бугунги қиёфаси, таъбир жоиз бўлса, моҳияти тубдан ўзгариб бормоқда. Бунинг биргина мисолини Чирчиқ давлат педагогика университети мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Университетимизда бугун талабаларимизнинг касбий йўналишлари бўйича эмин-эркин таҳсил олиши, спорт турлари бўйича тўгаракларда мунтазам иштироки учун моддий-техник базамизда муаммолар йўқ.

СЎНГГИ ЯНГИЛИКЛАР

10:31 Боксчиларимиз Жаҳон чемпионати манзилига етиб боришди 0

10:10 CAFA. Бугун Турманистонга қарши майдонга тушамиз 0

09:49 Магомед Анкалаев: "Перейра машғулотига таксичиларни таклиф қилибди" 0

09:28 Синнер US Open 1/8 финалида қозоқ теннисчисини "сочиб" ташлади 0

09:07 Фурқатбек Ёқубов: "Дана, менга локация ташла, манзилнинг аҳамияти йўқ!" (+ВИДЕО) 0

08:46 Марко Асенсио энди турк клуби шарафини ҳимоя қилади 0

08:25 Фомин Shanghai Challenger турнири саралашида иккита ўйин ўтказди 0

08:04 Жей Опетайя Усик билан жанг учун супероғир вазнга кўтарилишга тайёр 0

07:43 UFC Париж турнирининг асосий кардидан ўрин олган жанг бекор қилинди 0

07:22 Расман: Исак - "Ливерпуль" футболчиси! Трансфер рекорди янгиланди 0

07:01 US Open. Свётек сўнгги рус теннисчисини ҳам мағлуб этди 0

19:23 Аманда Нунес жамоасида Кайла Харрисонга қарши жанг санаси маълум қилинди 0

19:02 Дзюдочиларимиз "Jenys" таркибида Континентал Лиганинг "Шарқ" дивизиони ғолиби бўлишди 0

18:41 "Бетис" Антониннинг трансферини ҳал қилди — Here We Go! 0

18:20 Размабек Жамалов UFC'дан таклиф бўлганини айтди 0

яна янгиликлар



Университетда спортга ошно ёшлар кўпчиликни ташкил этади. Айниқса, футбол тўгаракларидаги иштирокчилар орасида иқтидорлилар талайгина. Бизда талабаларимиздан иборат "Педагог" номли футбол жамоасини ташкил этганмиз. Албатта, жамоамиз ўйин  тажрибасини оширишда турли мусобақаларда ўзаро беллашиш муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, биз турли олий таълим муассасалари билан ўзаро мусобақаларни йўлга қўйганмиз.

Хабарингиз бор, 2024 йилдан мамлакатимиз ОТМлари ўртасида талабалар лигаси ташкил этилган. Мазкур талабалар лигасида ҳам "Педагог"  жамоамиз вилоят босқичида фахрли иккинчи ўринни қўлга киритди. Тошкент шаҳрида Ўзбекистон футбол ассоциацияси кубоги учун олий таълим муассасалари ўртасида мини-футбол бўйича ўтказилган республика мусобақасида 42 та жамоа орасида иккинчи ўринни эгаллаб, кумуш медалларни қўлга киритдик.




"Универсиада-2025"нинг футбол бўйича вилоят босқичида ҳам иккинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлдик. Ёшлар иттифоқи Тошкент вилояти кенгаши томонидан олий таълим муассасалари ўртасида ўтказилган футбол мусбоқасида биринчи ўрин насиб этди. Ёки талабалар ўртасидаги "Student Cap-2025" мусобақасида ҳам "Педагог" жамоаси кучли учликдан жой олишга муваффақ бўлишди. Хулласки, бу каби ютуқларимизни яна бир қатор давом эттиришимиз мумкин.

Бир сўз билан айтганда, бугун университетмизда нафақат жисмоний тарбия ва спорт йўналишида, балки барча йўналишларда изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда, ташаббуслар илгари сурилмоқда. Ва бу саъй-ҳаракатлар ўз самарасини беришига ишонамиз.



**Бекмурод АНОРБОЕВ, Чирчиқ давлат педагогика университетининг Жисмоний маданият назарияси кафедраси ўқитувчиси**

**Манба :** olamsport.com

**Ҳавола :** https://olamsport.com/uz/news/121619

Olamsport.com сайтининг **Instagram** даги саҳифасини кузатинг!

РЕЙТИНГ:

Хабар ёқдими? Биринчилардан бўлиб дўстларингиз билан ўртоқлашинг!

0 0 0

**Ўхшаш янгиликлар**

11:00 МОҚ раҳбарияти Турин политехника университетида IT ва инновацион стартаплар билан танишди 0

17:30 Чирчиқ спорт мактаби мураббийи Тайпейда олтин медаль қўлга киритди 0

19:57 Жисмоний тарбия ва спорт таълими доимий эътиборда 0

## Фикрлар

Фикр қолдириш учун авторизациядан ўтинг

< сўнгги янгиликларни кўриш

Olamsport.com © 2025